

ХУСНИХАТ ШАЙДОЛАРИГА БИР ДАРС

Зулхумор Ҳамрақулова

Қўқон давлат музей қўриқхонаси

Санъат ва этнография бўлими катта илмий ходими

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15015872>

Сўнгги пайтларда маҳорат дарси музейга ташриф буюрувчиларни халқ ижодининг амалий турлари билан таништиришнинг кенг ёйилган усулига айланди.

Қўқон давлат музей – қўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 – йил 27-майдаги “Музейларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги №261- сонли қарорини ижро этиш бўйича мақсадли иш олиб бормоқда. Хунарманд – усталар билан учрашувлар ташкил этиш яхши анъанага айланди.

2025-йил 7-март куни Санъат ва этнография бўлими илмий ходимлари томонидан Хаттотлик санъати “Настаълиқ ёзуви” бўйича “Маҳорат дарси” ўтказилди. Дарс аввалида бўлим мудри Дилфуза Мирбобоева томонидан “Хаттотлик тарихи ва турлари” мавзусида маъруза қилинди. Музей-қўриқхона илмий ходими, хаттот ва миниатюрачи расм Нўъмонжон Йигиталиев томонидан хаттотлик санъатининг “Настаълиқ ёзуви” ҳақида маълумотлар берилди.

Настаълиқ хати араб мумтоз хат усуллари билан бири бўлиб, XIV асрда жорий этилган. “Қиблат ул-куттоб” (“Котибларнинг пешвоси”) унвони билан шарафланган хаттот Хожа Мир Али Табризий бу усулни ихтирочиси ҳисобланади.

Бу хат “насх” ва “таълиқ” хат услублари асосида яратилган бўлиб, ҳарфларнинг 5/6 қисми эгри ва 1/6 қисми тўғри чизиқлар асосида ёзилади. Настаълиқ хати асли “насх таълиқ” бўлиб, талаффузда “настаълиқ” олган.

Дастлаб, бу ёзувдан мўътабар қўлёзмаларни, расмий ва шахсий ёзишмалар, асосан, бадиий адабиёт намуналарини кўчиришда ва алоҳида қитъаларни битишда фойдаланилган.

Кейинчалик бу ёзув китобат санъатидан “насх” ва “сулс” ёзувларини сиқиб чиқарди. Хожа Мир Али Табризий настаълиқ хатига хос бир йўл билан олти турли хат асосида алоҳида хат ихтиро қилган хаттот.

Мир Али Табризий настаълиқ хатининг қонун-қоидалари баён этилган “Қиблат ул-куттоб” номли рисола яратган.

Санъат ва этнография бўлими катта илмий ходими Зулхумор Ҳамрақулова музей жамғармасида сақланаётган ушбу усулда ёзилган китоблар борасида маълумот берди ва ушбу китобларнинг муъжаз кўرғазмасини намоиш этди.

Маҳорат дарси давомида яна хаттот Нўъмонжон иш қуроллари ҳақида ҳам томошабинларга маълумотлар берди: жийда дарахти ва атиргул шохидан хаттотлик қаламлари, мўйқаламлар ҳамда сиёҳлар керак бўлишини айтиб ўтди. Хаттотликнинг “настаълиқ” усуллари билан намуналарини амалда кўрсатди.

Дарс давомида меҳмонлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавобларни олдилар.